# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 36 (8.620) ◆ 1995 йил 29 март, чоршанба — Сотувда эркин нархда


# ЭЛ ИШОНЧИ — ОЛИЙ МУКОФОТ



Умумхалқ референдумининг дастлабки якунлариёқ халқимизнинг буюк келажак сари Президентимиз раҳбарлигида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар истиқболига қатъий ишончини яна бир карра намойиш этди. Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари вакилларидан бир гуруҳи 27 март куни Президент Ислом Каримов билан учрашиб, давлатимиз раҳбарининг ўтказилган бу муҳим сиёсий тадбирнинг дастлабки натижалари хусусидаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқдилар.

— Ҳар бир инсон ҳаётида унутилмас воқеалар бўлади, — деди Президент Ислом Каримов журналистлар саволларига жавоб берар экан. — Бундай дақиқаларда инсон ўтган умрига, қилган ишларига яна бир карра назар солади. Умрини қандай кечираётганига, эзгу ишлари қай даражада амалга ошганига баҳо беради. Куни кеча ўтган референдум мени инсон сифатида шундай ҳаяжонга солди. Кечган умримга, қилинган ишларга яна бир карра назар солишимга имкон яратди.

Ҳар бир йигит-қиз дунёга келгани, камолотга етгани учун ўз ота-онасидан миннатдор бўлиши табиий. Мен ҳам мустақил давлат — Ўзбекистон раҳбари сифатида шу қадар олижаноб халқ фарзанди эканимдан чексиз ифтихор туйдим. Шу муқаддас заминда туғилганим, шу халқ ақл-заковатидан куч олганим учун Яратганга шукроналар, элимга раҳматлар айтаман.

Аллоҳдан тилагим — шу азиз халқимнинг эзгу орзуларини рўёбга чиқариш, унинг буюк ишончини оқлаш йўлида менга мадад берсин. Барчамизни шу тилакларни амалга ошириш борасидаги ишларимизда яратганнинг ўзи қўлласин.

Референдум чоғида билдирилган ишонч нафақат давлат раҳбарига, балки халқимизнинг кечирилган мураккаб кунлар ниҳоясида ёруғ келажакка, ўтказилаётган ислоҳотларнинг натижаларига ишончи ҳам демакдир. Қўйилган мустаҳкам пойдеворда мустақил Ўзбекистон аталмиш муҳташам бинони яратишимизга, унда инсонларнинг бахтиёр турмуш кечиришини таъминлашимизга ишончим комил.

Бундан буён ҳам жамиятимизнинг эҳтиёжманд қатламлари — болалар, талабалар, нафақахўрлар, ногиронлар давлат ҳимоясида бўлади. Биз шу сиёсатни давом эттирибгина қолмай, эҳтиёжманд оилаларнинг давлатдан оладиган нафақалари ҳажмини оширишни ҳам кўриб чиқмоқдамиз. Қилган ишларимиз ҳозир шунга имкониятлар яратмоқда.

Бор умримни халқим хизматига сарфлашга, она-Ватанимиз равнақи йўлида бутун куч-ғайратимни бахшида этишга тайёрман. Сўзим сўнгида мени қўллаб овоз берган барча юртдошларимизга миннатдорлик билдираман.

(ЎзА).

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ КОМИССИЯНИНГ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш тўғрисида»ги 1995 йил 24 февралдаги қарорига мувофиқ, шу йил 26 мартда умумхалқ референдуми бўлиб, унга Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини узайтириш масаласи қўйилди.

Референдумда овоз беришда 11244724 нафар одам, яъни овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган Ўзбекистон фуқароларининг аксарият кўпчилиги қатнашди. Дастлабки маълумотларга кўра, мамлакат фуқароларининг мутлақ кўпчилиги Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтиришни ёқлаб чиқди.

Референдумнинг узил-кесил якунлари яқин кунлар ичида чиқарилади ва Ўзбекистон Республикасининг барча оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ГЕОЛОГИЯ ВА МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ ТАШКИЛОТЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, республиканинг минерал-хомашё базасини барпо этишга қўшган катта ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол қатнашаётганликлари учун қуйидагиларга фахрий унвон берилсин:

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ»**

**АБУБАКИРОВ Меҳриддин Боғоуддинович** — Тошкент гидрогеология экспедициясининг бош муҳандиси

**РАСУЛОВ Жўра** — «Тошкент геология» корхонаси комплекс геология-қидирув экспедициясининг геологи

**ҲАМИДУЛЛАЕВ Назрулла Файзуллаевич** — «Самарқандгеология» корхонаси Зармитон геология-қидирув экспедициясининг етакчи геологи

**ҚУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:**

**АБДУҚОДИРОВ Мирпозил Мирпўлатович** — «Ўзрангтош» экспедициясининг бошлиғи, Тошкент шаҳри

**ОТАҚУЛОВ Долижон Жамолдинович** — «Ўзбекгидрогеология» бирлашмасига қарашли Мирзачўл гидрогеология экспедициясининг пармаловчи устаси

**ГОЛЬДШТЕЙН Роберт Ильич** — «Қизилтепагеология» давлат геология корхонасининг комплекс геология-экология экспедицияси бошлиғи

**ЗВЕРЕВ Юрий Николаевич** — «Самарқандгеология» корхонасига қарашли Довғизтов геология-қидирув экспедициясининг бош геологи

**МУСЛИМОВ Бахтиёр** — «Қизилтепагеология» корхонасининг бош гидрогеолог ўринбосари

**РАЗЗОҚОВ Турсин** — «Химгеолнеруд» экспедициясининг Қорақалпоқ геология-қидирув партияси бошлиғи

**ЭРГАШЕВ Шавкат** — минерал ресурслар илмий-текшириш институти сектор мудири, Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 28 март.

## ИЗЛАНИШЛАР МАҲСУЛИ

«Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгач, рассом ва конструкторлар томонидан яратилаётган моделлар сони кескин ортди. Қисқа вақт ичида 250 та турли хил моделлар юзага келди. Уларнинг аксарияти аёллар, эркаклар ва болалар пальтолари, плашч ва курткаларини тикиб чиқариш учун асос қилиб олинди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, бу ижодий изланишлар туфайли хориждаги қатор фирмалар билан корхона ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари янада мустаҳкамланди. Литвадаги «Юодупес Нямунас» фирмаси тайёрлаётган ялтироқ-яшил газмоллардан тикилаётган эркаклар пальтолари ҳам ҳиссадорлик жамиятининг янгиликларидан бири бўлди.

Янги модалар намуналари илгари модалар уйида тайёрлаб берилар эди. Эндиликда бунга ҳам эҳтиёж қолмади. Жамиятнинг ўзида тажриба-намуна цехининг очилиши билан кўп масалалар ижобий ҳал этилди. Корхона шу цех орқали моделлар намуналарини мустақил суратда ишлаб чиқишга киришди.

Тажриба-намуна цехига компьютер қурилмалари ҳам ўрнатилди. Мазкур «ақл»ли машиналар янги хил либослар чизмаларини кўнгилдагидек тайёрлаб беради. Кўзда тутилган бичиқлар бўйича чизмалар тасвири ҳам юзага келади.

Энг замонавий технологияга асосланган тикувчилик жараёни цех орқали ишлаб чиқаришга тадбиқ қилинмоқда. Бундай янгиликлар корхонанинг либослар намойиши хонасида ўз аксини топди.

Акбар АЛИЕВ.

# БУГУНГИ КУН «ТО» «ТО» НАФАСИ

## РЕСПУБЛИКАМИЗДА

❑ Кеча Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов франциялик таниқли бизнесмен Эндрю Гелфи ва «Текнип» компаниясининг ижрочи директори Жорж Крамерни қабул қилди.

❑ Вазирлар Маҳкамаси «Қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш-техника хизмати кўрсатиш соҳасида шартномавий муносабатларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.

❑ Чустда кунига 4 тонна қанд ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган завод фойдаланишга топширилди.

❑ Самарқандда «Фольксваген» автомаркази қурилиши ниҳоясига етмоқда. Уни барпо этишда Швейцариянинг «Бизнес-марказ» ва Ирландиянинг «Бравертрейд» компаниялари иштирок этмоқдалар.

❑ Эртага Тошкентда машҳур «Сименс» акциядорлик жамиятининг ваколатхонаси очилади.

❑ Буюк соҳибқирон таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб «Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб» илмий экспедицияси йўлга чиқди. Бу экспедициянинг учинчи босқичи бўлиб у Фарғона водийси, Тожикистон ва Қирғизистон ҳудудлари орқали ўтади. Аввалги экспедицияларда Самарқанд — Қарши — Бухоро ҳамда Жанубий Қозоғистонда Амир Темур ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ тарихий жойларда илмий тадқиқотлар амалга оширилган эди.

❑ Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа минтақавий бюроси ва ЮНИСЕФ болалар жамғармаси мамлакатимизга инсонпарварлик ёрдами сифатида полиомиелит касаллигига қарши катта миқдорда дори-дармонлар келтирди.

❑ 27 март куни валюта биржасида бўлиб ўтган навбатдаги савдода 1 АҚШ долларининг сотиб олиш ва сотиш тижорат қиймати 26 сўм 10 тийин қилиб белгиланди.

❑ Марказий банк республика ҳудудида юксак техник даражада тайёрланган 100 долларлик АҚШ сохта банкнотлари кўпайиб бораётганлиги муносабати билан фуқароларни бу банкнотларни ноқонуний йўллар билан сотиб олишдан огоҳлантирди.

## ҲАМДЎСТЛИКДА

❑ Кеча янги сайланган Қирғизистон парламентининг биринчи сессияси иш бошлади. Бугун сессияда Қирғизистон Президенти Асқар Акаев дастурий маъруза билан чиқади.

❑ Тожикистонда Ҳамдўстлик мамлакатлари тинчликни сақлаш кучларининг машқлари бошланди. Унда Россия чегара қўшинларининг қўмондони Андрей Николаев ҳам иштирок этмоқда.

❑ Киевда Украина ва Литва Президентлари ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш юзасидан қатор ҳужжатларни имзоладилар.

❑ Россия Марказий банки мамлакатда пул ислоҳоти ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганлиги тўғрисидаги мишмишларни қатъиян рад этди.

❑ Москвада фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги байрамларига 55 давлат раҳбари таклиф этилди. Уларнинг аксарият кўпчилиги бу тантаналарда қатнашишларини тасдиқладилар.

❑ Москвада кўчмас мулк, айниқса хусусийлаштирилган уй-жойлар олди-сотдисида жиноятлар авж олиб кетганлиги муносабати билан уй-жой милициясини ташкил этишга киришилди.

## ХОРИЖДА

❑ Россия ташқи ишлар вазири Андрей Козиревнинг Яқин Шарқ мамлакатлари бўйлаб бир ҳафталик ташрифи бошланди. У бугун Мисрга келгандан сўнг Исроил, Сурия ва Ливанда бўлади.

❑ АҚШ давлат котиби Уоррен Кристофер Туркия қўшинларининг Ироқ шимолида курд ишчи партияси жангариларига қарши жазо операцияси пайтида инсон ҳуқуқлари бузилаётганлиги муносабати билан таассуф билдирди. Бундай ташвишни Буюк Британия, Франция ва Россия ҳам билдирган.

❑ Туркия Бош вазири Тансу Чиллер Туркия қўшинлари Ироқ шимолидаги курд ишчи партияси жангариларини йўқ қилганларидан сўнггина бу ҳудуддан олиб чиқиб кетилиши тўғрисида баёнот берди.

❑ Жазоирда давлат хавфсизлиги кучлари ўтказган кенг кўламли операция давомида 600 нафардан кўпроқ қуролли жангарилар йўқ қилинди.

❑ АҚШ ва Жанубий Корея Корея ярим ороли жанубий қисмида биргаликда ҳарбий-денгиз машқлари ўтказдилар.

❑ Америка Қўшма Штатларида йилнинг энг яхши кинофильми учун бериладиган «Оскар» совринига Роберт Земекиснинг эзгуликка чорловчи «Форрест Гамп» фильми сазовор бўлди. Бу танловда рус режиссёри Никита Михалковнинг «Қуёшдан чарчаганлар» картинаси энг яхши хорижий кинофильм, деб топилди.

*Диққат, танлов*

## ТАДБИРКОРГА ОМАД ЁР

Ўзбекистон Республикаси кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш» тўғрисидаги фармонини ҳаётга тадбиқ этиш, тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантириш, унга сергайрат ва ташаббускор кишиларни жалб қилиш, бизнес билан шуғулланишнинг мавқеини ошириш мақсадида шу йилнинг 30 мартидан 25 июнига қадар «Бизнес — матбуот» танловини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Танловда туман, шаҳар, вилоят ва республика оммавий ахборот воситалари, шунингдек, газета, журнал, телевидение ва радио журналистлари иштирок этишлари мумкин.

Танлов ғолиблари бўлган матбуот нашрлари ва журналистлар пул мукофотлари билан тақдирланадилар.

## ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС

Мавжуд адабиётларни тез топишда Ўзбекистон Фанлар академияси асосий кутубхонасида электрон каталог иши йўлга қўйилиши қўл келяпти. Республика бўйича биринчи бўлиб амалга оширилган бу библиографик тадбир катта қулайлик туғдирди. Бу усул кутубхоналарга буюртма адабиётларни тез етказиб беришда жуда қўл келди.

Кутубхонада зиё масканига аъзо бўлган аспирант ва ёш олимлар намунали хизмат кўрсатиш борасида ҳам қатор тадбирлар кўрилмоқда. Илмий адабиётлар рўйхатини аниқлашни осонлаштириш усуллари ҳам юзага келмоқда. Бу жараённи амалга ошириш учун кутубхона муайян институтлар билан шартнома тузди.

«Ўзбекистонда фан ва илмий ишлар» деб номланган кўрсаткичли қўлланма босмага тайёрланмоқда. Бу қўлланма ҳам аспирантларнинг кутубхонада ишлашлари учун қулайлик туғдириш мақсадида ёзилди.

Ушбу фойдали адабиётда фан ва илмий ишларнинг кенг қамровли кўрсаткичи ёритилди.

Анвар АЛИБОЕВ.

## ҚУТЛУҒ САНА

Тошкент Давлат университетининг Маданият саройида ушбу олий ўқув юртининг 75 йиллигига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди. Кечада халқимизнинг севимли ёзувчи ва шоирлари, шу жумладан, университет довруғини оламга ёйган олимлар иштирок этдилар. Тадбирни университет хотин-қизлар кенгашининг раиси Назира Абдуазизова очиб, ташриф буюрган азиз меҳмонлар ва университет талабаларини 75 йиллик қутлуғ сана билан муборакбод этди. Шундан сўнг Алишер Навоий номидаги қўлёзмалар институтининг изланувчан олимаси, Шарқ ва Ғарб маданиятига қўшган улкан ҳиссалари учун Франция давлати томонидан тақдим этилган орден нишондори Фозила Сулаймоновага сўз берилди.

Кечада шоиралар Умида Абдуазимова, Раъно Рашидова, Фарида Усмонова ва шоир Муҳаммад Алининг юртга садоқат, баҳор ва муҳаббатни тараннум этувчи дилбар шеърлари янгради. Шунингдек, хонанда Дилором Қаюмова ижросидаги жозибали куй-қўшиқлар меҳмонларни хушнуд этди.

Умида ҲАСАНОВА.

# ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

• ЯНГИЛИКЛАР • ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР •

## МАДҲИЯ БИЛАН БОШЛАНДИ

Олим Хўжаев номли 21-ўрта мактабда «Наврўзи олам келадур» деб номланган байрам кечаси бўлиб ўтди. Тантана барча иштирокчилар ижро этган Ўзбекистон давлат мадҳияси билан бошланди.

Ушбу тадбирда Юнусобод тумани халқ таълими бўлими мудирининг ўринбосари Насиба Дисанова ҳамда мактаб драма тўгарагини ўз оталиғига олган Ҳамза номли драма театрининг ижодий ходимларидан Тўтихон Юсупова, Саидкомил Умаров, Раъно Ярашева, Мадина Мухторова, шунингдек ота-оналар қатнашдилар. Кичкинтойлар баҳорни мадҳ этувчи «Бойчечак чиқибди», «Лола сайли», «Қўшчи оши» каби мусиқавий адабий композициялар намойиш этишди. Наврўз тарихи бўйича ўтказилган баҳс-мунозаралар, юқори синф ўқувчилари тайёрлаган миллий урф-одатларимиз, қадимий анъаналаримизни тараннум этувчи «Бешик тўйи», «Ёр-ёр», «Келин салом», «Сумалак сайли» саҳна кўринишлари олқишларга сазовор бўлди.

Маърифат ИКРОМОВА.

## ТАБИАТ ИНЪОМИ

Баҳор келганда қир-далаларга чиқсангиз ҳаммаёқ кўм-кўк бўлади. Айниқса ёмғир ёққандан сўнг ер ҳиди, ўт ҳиди кишига ором бахш этади. Қирларда ўтлаб «дик-дик» сакраб юрган қўзичоқларга кўзингиз тушади. Уларнинг баҳордек беғубор хатти-ҳаракатларини кузатиш жуда завқли.

Биз яқинда янги туғилган қўзичоқларни қўйлар подасидан ажратиб олдик. Уларнинг онасини қўйлар ичига боғлаб қўйиб, қўзичоқларни анча наридан қўйиб юбордик. Буни қарангки, ҳар қайси қўзичоқ ҳеч янглишмасдан шунча қўйлар ичидан ўз онасини топиб келди. Буни кўриб ҳаммамиз ҳайратга тушдик. Шунда чўпон кулимсираб:

— Ҳа болаларим, ҳар бир она қўйнинг ўз ҳиди бўлади. Янги туғилган қўзичоқнинг димоғига ана шу ҳид ўрнашиб қолади. Шу ҳид орқали қўзичоқлар ўз оналарини топиб келдилар, — деди.

Табиат инъом этган бу мўътабар ҳид қўзичоқларни она бағрига чорлаган экан, баҳор фасли нақадар фусункор, бетакрор ва абадийлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Ўлмас КАРИМОВ,
Зангиота туманидаги 10-мактаб ўқитувчиси.

*Наврўз нашидаси*

## ҚИЗИҚИШ ВА ИШТИЁҚ

Биз мустақил Ўзбекистонда ҳозир ҳар қадамда турли миллатларнинг бир-бирларини ўзаро ҳурмат қилиб аҳил-тотув яшашлари, шу билан бирга давлат тили ҳисобланмиш ўзбек тилини ҳам зўр қизиқиш ва иштиёқ билан ўрганаётганликларининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Шаҳримиздаги 5-ўрта мактабда ўтказилган «Ассалом , Наврўз!» тадбири ҳам фикримизнинг яққол исботидир. Зеро, рус тилида, таълим бериладиган мазкур мактабдаги Наврўз байрами тўла давлат тилида ўтди. Айниқса болалар ижросидаги Наврўз мушоираси, театрлаштирилган томошалар, она-Ватан, баҳор, истиқлол тўғрисида шеърлар йиғилганлар томонидан олқиш билан кутиб олинди. Шунингдек тадбирга таклиф этилган таниқли шоирлар Муҳтарама Туркой қизи ва Сергей Протасевичлар ҳам ўзларининг янги ижод намуналаридан ўқиб, кечага файз киритишди.

Наврўз айёмининг ўқув даргоҳида ўзига хос нишонланишида мактаб илмий бўлим мудираси Р. Михайлова, ўзбек тили ўқитувчилари М. Қурбонова ҳамда С. Хатамоваларнинг ҳиссалари катта бўлди.

Дамир ИСМОИЛОВ.

## «ЁШ АРМИЯЧИЛАР» МУСОБАҚАСИ

Ҳамза туманидаги 230- мактабда шу мактаб ўқувчилари ҳамда пойтахт вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги 2-мактаб ўқувчилари ўртасида «Ёш армиячилар» мусобақаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан бундай тадбирларнинг ўтказилиши Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги санасига тайёргарлик кўриш билан боғлиқдир. Уларни ўтказишдан кўзланган мақсад мактаб ўқувчиларини бақувват, эпчил ва қўрқмас қилиб тарбиялаб уларни ватан ҳимоясига шай туришларига йўналтириш эди.

«Ёш армиячилар» мусобақасида кузатувчи сифатида вилоят, туман халқ таълими вакиллари, мактабларнинг ўқитувчи ва ўқувчилари, ота-оналар иштирок этишди. Беллашув давомида ўқувчилар сафда юриш, қўшиқ айтиш, милтиқдан отиш, ўзни газдан ҳимоя қила билиш каби маҳоратларини намойиш қилишди. Қизиқарли ва эҳтиросга тўла вазиятда ўтган кўрик-танлов дуранг натижа билан якунланди. Мусобақа сўнгида иштирокчилар Мотамсаро Она ҳайкали ва Номаълум аскар қабрига гулчамбарлар қўйишди.

Қидирбой ТЎЛАБОЕВ.

*Ассалом, футбол!*

## БИРИНЧИ ЎЙИН, БИРИНЧИ МАҒЛУБИЯТ

Кеча республикамизнинг бир неча шаҳарларида футбол бўйича Ўзбекистон Республикаси 4-чемпионати тантанали суратда очилди.

Ҳаммамиз футболни соғинган эдик. Буни «Пахтакор» марказий ўйингоҳига ошиқаётган мухлислар ҳаяжонида ҳам кўриш мумкин эди. Ушбу ям-яшил майдонда бу йилги чемпионат мавсуми пойтахтимизнинг «Трактор» жамоаси ва майдон эгалари — пахтакорчиларнинг учрашуви билан очилди. «Пахтакор» футбол клубининг президенти, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Шуҳрат Жалилов барча мухлислар ва футболчиларни янги чемпионатнинг очилиши билан қутлади, уларга улкан ғалабалар тилади.

— Биз моҳир футболчиларимиз билан жуда фахрланамиз, — деди у, — айниқса, ўтган йили уларни қитъамизнинг энг зўр «чарм тўп» усталари деб топилиши кўнглимизни тоғдек кўтарганди. Бу йил ҳам футболчиларимиз янада чиройли, унутилмас ўйинлар намойиш этиб, мухлисларини шод этаверадилар, деган умиддамиз.

Шундан сўнг «Пахтакор» жамоасидан Александр Тихонов ва «Трактор»дан Юрий Шейкинлар республика 4-чемпионати байроғини тантанали кўтардилар. Ўйингоҳ таблосида «1995 йил. Ассалом, футбол!» сўзлари порлади.

Майдонга «Пахтакор» ва «Трактор» ўйинчилари кириб келишганида мухлислар олқиши анчагача тинмади. Учрашувни халқаро тоифадаги бош ҳакам Бобур Ҳайдаров ва республика тоифасидаги ҳакамлар — Рўзимбой Давлатмуродов ҳамда Борис Савичкинлар бошқариб бордилар. Биринчи тайм деярли тенгма-тенг кураш билан ўтсада, ҳисоб очилмади. Ниҳоят, 2-таймнинг охирларида «Трактор» жамоасининг ярим ҳимоячиси Олег Тюлькин киритган ягона тўп учрашув натижасини меҳмонлар ҳисобига ҳал қилди. Ўйин якунида «Трактор» ўйинчиси Олег Тюлькин ва пахтакорчи Мурод Алиевлар «Пахтакор» футбол клубининг совринлари билан тақдирландилар. «Пахтакор» ўйингоҳи маъмурияти томонидан таъсис этилган махсус соврин эса учрашувнинг энг яхши ҳимоячиси деб топилган «Трактор» жамоасининг ўйинчиси Борис Бакановга насиб этди.

Шунингдек, кеча турли жойларда бўлиб ўтган дастлабки учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди:

«Нурафшон» (Бухоро) — «Машъал» (Муборак) — 3:0

«Навбаҳор» (Наманган) — «Чирчиқ» (Чирчиқ) — 2:0

«Политотдел» (Тошкент вилояти) — АСК (Термиз) — 2:2

МҲСК (Тошкент) — «Атласчи» (Марғилон) — 2:1.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.





*СУРАТЛАРДА: кечаги учрашувдан лавҳалар.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

Салкам эллик йилдирки улуғ ғалабамиз руҳи билан яшамоқдамиз. Шу ғалаба туфайли ўзбек халқи тинч-тотув яшаб келмоқда. Аслини айтсам мустақилликда яшаб келажаги буюк давлат қураётганимизнинг индаллоси ҳам ана шу ғалабадандир. Йўқса тақдиримиз хавф остида эди. Биз ғалаба қилдик. Мамнунмизки, мустақил давлатимиз Президентининг фармони билан Ғалабамизнинг 50 йиллиги жонажон юртимизда умумхалқ байрами сифатида тантана қилинади. Уруш шаҳидларининг руҳи-поки шод қилиниб, уларнинг номлари абадийлаштирилади, урушдан ғозий бўлиб қайтганлар улуғланади.

Шу улуғ айём арафасининг оромбахш кунларида тарих бўлиб битилиб қолган, аммо сира-сира ёдимдан кўтарилмайдиган кунларни хотирлагим келди.

«Ғалаба куни» эълон қилинган дақиқаларда биз Шарқий Германиянинг Штатгард ўрмонида эдик. Кўкрак зирҳларига «Ўзбекистоннинг 20 йиллиги» деб ёзиб қўйилган танкларимиз Польша операциясини тамомлаб Шарқий Германияни озод қилиб, Европани тасодиф, хавф-хатардан қўриқлаб шай турарди.

Радионинг хушхабарини эшитган барча танкчи, тўпчи аскар беихтиёр «Ур-ра!» деб қичқирди. Кўринганни қучоқлаб ўпди. Кимлардир кўкка қараб варанглатиб салют ўқи узди. Қисқа митингдан кейин аскарлар, командирлар тўп-тўп бўлиб гурунг қилдилар. Кўчма аскар ошхоналарида байрам таомлари пиширилди. Ўша кунга белгиланган жадвал ҳам ўзгарди. Гапга тушиб кетган ғолибларни сира тўхтатиб бўлмасди.

— Ёдингдами Сталинград бўсағасида эдик... Прохоровка жанглари...

— Курск таранлари эсингдами?

— Минск, Гданск?

*«Сўнмас шон-шуҳрат» танловига*

Иброҳим РАҲИМ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси



# ҒАЛАБА ЙЎЛИ

**(Хотира)**

— Одер—Нейса— Росток?..

— Инглизлар билан учрашув-чи?.. Ўшанда инглиз монтгомерчилар ҳам қандай шод бўлган эдилар...

Ғолиблар хотираси ўчмас хотира эди. Улар Ғалабанинг оғир, машаққатли йўлини хотирлар эдилар.

Бири «Ғалаба йўли 1941 йили Москва бўсағасидан бошланди» деса, иккинчиси «Ғалабага Сталинград йўл очди» дейди. Яна бошқа бирови «Курск таранлари Ғалаба калити эди» деб маъқулларди.

Хуллас, ғалаба йўли 1418 кеча ва кундузлик олис ва оғир, қийин ва даҳшатли, қонли ва қирғинли йўл эди. Уни «дўзах сўқмоқлари» ҳам дейдилар.

Ана шу «дўзах сўқмоқлари»ни босиб ўтиб фашизм пойтахтига — Рейхстагга ғалаба байроғини ўрнатиш замонамиз янги тарихининг чўққиси бўлди.

Фашизм қулатилди!

Ана шу 1418 кеча ва кундузнинг ҳар бир куни, соати ва дақиқаси жонли тарих яратди. Шу дамда — ҳар нафасда минглаб одам қирилиб, минглаб жасорат туғилди, янги-янги қаҳрамон майдонга тушди. Вайронагарчиликнинг ҳам ҳисоби йўқ эди.

Ўша кезларда бизнинг фашизмга қарши урушимиз қўшинлар билан қўшинлар уруши, қурол-яроғлар сўқиши эмасди. Улар шунчаки бир восита эди, холос.

Бу уруш бир-бирига зид бўлган фашизм билан эркесевар инсоният уруши эди.

«Ё ўлим, ё ҳаёт! Биз олиб борган урушнинг хислати шунақа эди. Шунинг учун совет кишилари ўлимга очиқ кўз билан тикка «ният-ғазот»га бордилар. Унда йигирма миллион киши қурбон берилди, аммо башариятни фашизм балосидан, унинг разил ғоясидан, жирканч тузуми, зулм-занжиридан қутқариб қолинди.

«Ғалаба йўли 1941 йили Москва бўсағасидан бошланди» деганлар ҳақли эдилар. Негаки Гитлер 1941 йили бир ҳамла билан Москвани ишғол қилиб, 7 ноябрь куни Қизил майдонда ҳарбий парад ўтказмоқчи эди. Шу мақсадда фашист аскарлари, зобитлари ва генералларига парад кийими тикдириб, контейнерларда Москва бўсағаси станцияларига келтириб қўйганди. Геббельс мирзалари Гитлернинг Қизил майдонда гапирадиган ғолибона нутқларини неча нусхаларда кўпайтириб, агентликларга, матбуот органлари, эфир карнайчиларига юбориш учун тахт қилиб қўйганди.

Герман қўшинлари Москвага киролмади. Уларни киритмадилар!

7 ноябрда Қизил майдонда герман қўшинларининг паради бўлмади. Қавс ичида айтиб қўяй: уларнинг мақсади «кейинча амалга ошди». У ҳам бўлса Қизил майдонда асирга тушган гитлерчиларнинг паради ўтказилди. Фашист қўшинларининг байроқлари оёқлар остига ташланди.

Маълумки Москва остонасига улар неча минг танк, икки минг тўп, бир ярим минг самолёт билан ҳамла қилган эдилар. Ҳамласи барбод бўлди. Бизнинг аскарларимиз, бизнинг қуролимиз уларнинг тишларини синдирдилар.

Сталинград жангларида Гитлернинг бели синди. Уч юз минг аскаридан, фельдмаршал фон Паулюс бошлиқ сара генералларидан айрилган Рейх армияси ўзини ўнглаёлмади.

Курск ерлари Гитлер ҳарбий техникаси, ҳарбий моторларининг қабристони бўлди.

Ундан кейинги жангу жадалларимиз фашизмни очиқ мозорга, бизни эса 9 май — Ғалаба кунига олиб борди. Қатор Европа давлатлари фашизмдан халос бўлди.

Ўша тарихий 9 майдан бери биз яшаётган Ер курраси Қуёш атрофидан неча минг бор айланиб ўтди, ўша кунларга ҳам салкам 50 йил бўлди.

Ғалабани таъминлаган жуда кўп омиллар ёдимизда сақланади. Шулардан бири ҳамон кўзим олдида туради. Бу ҳам бўлса ўзбек халқи ўзи емай, ичмай, кийим қилиб киймай топганини жамлаб фронтга танклар колоннаси юборгани, уни қабул қилиб олишга бағишланган танкчилар митингидир.

Фашизмга қарши урушнинг айни қизиган палласи эди. Бизнинг 5-гвардиячи танклар армияси Белоруссияни озод қилиб, Польша ерига, ундан Германиянинг Померániясига ҳамла қилишга ҳозирланмоқда эди. Бирдан Москвадан хушхабар келиб қолди.

— Ўзбек халқидан бораётган жанговар совғани тантанали қабул қилиб олишга ҳозирланиб туринглар!

Эрта тонгдан темир йўл бекатларига, ҳарбий перронларга йиғилдик. Қатор-қатор эшелонларда зангори бўёқлари қуриб улгурмаган танк платформалари кела бошлади. Уларни вагонлардан худди келинчакларни аравадан кўтариб олган куёвлардай авайлаб, эъзозлаб тушира бошладик. 300 та «Т-34» деб аталмиш ва урушда энг яхши ном чиқарган «пўлат от»ларни ҳам, ўнлаб ўзи юрар тўпларни қабул қилиб олдик ва уларнинг зирҳларига кечаси билан «Ўзбекистоннинг йигирма йиллиги» деб оқ бўёқда ёзиб чиқдик. Эрталаб 19-гвардиячи Минск, Речинск номли Ленин, Қизил Байроқ, Богдан Хмельницкий орденли танк бригадаси танкчиларининг митинги бўлиб ўтди. Митингда танкчилар:

— Ўзбек халқи юборган «пўлат от»ларда Берлинга гвардия байроғи тикамиз! — деб қасамёд этдилар.

Митингдан кейин жанговар юриш бошланди. Жангларда ўзбек танкларини кўрган фашистлар ваҳимага тушдилар. «Ўзбекистон 20 йиллиги» танклари душман қўшинларини яксон қилиб тез орада Данциг — Гданск портига чиқди. Ундан кейин Берлингача борди. Бу ҳақда танкчилар Ўзбекистон халқига, ҳукуматига тез-тез жанговар рапортлар юбориб турди.

Ёдимда «Ўзбекистон 20 йиллиги» танкларида жангга киришимиз олдида «Т-34»нинг командирларидан бири гвардиячи старшина ҳузурига келиб, қўлимга бир чой қоғозга ёзилган хатни узатди:

— Ўртоқ гвардиячи майор! Мана шу хат танкимнинг сумкасидан чиқди. Ҳарфлари ўзимизникига ўхшайди, аммо сўзлари бошқача.

Хат ўзбек тилида ёзилган эди. «Бу танкни биз ўз жамғармамизга қурдик. Уни Ўрол ишчилари билан бирга ясадик. Биз «Ишчи батальони»га сафарбар бўлиб келганимиздан жуда мамнунмиз. Танкимиз қандай жанг қилгани ҳақида ёзиб туринглар!» дейилган экан.

Фашизм устидан қозонилган Ғалабага ҳамма баҳоли қудрат ҳисса қўшган эди. Шунинг учун Республикамиз Президенти ўз Фармони билан ички фронт ходимларини ҳам «Шуҳрат» медали билан мукофотлади.

Ғалабани таъмин қилган, Ғалабага ҳисса қўшган ҳар бир инсон-уруш қатнашчиси, фронт орқасининг фидокори улуғланмоқда. Иззат-икром билан номлари тилга олинмоқда. Урушда қурбон бўлганлар — шаҳидларнинг руҳ-покларини шод айлаб уларнинг номлари абадийлаштирилмоқда. Урушнинг ҳар дақиқаси, ҳар лаҳзаси бир умрга тенг эди. Ҳозирги уруш фахрийлари бир миллиард беш юз ўн тўққиз миллион уч юз ўн икки минг лаҳза давом этган урушда ғолиб чиқдилар. Демакки улар ана шунча бор ўлимни енгиб келдилар. Улар табаррук бўлмай ким табаррук бўлсин. Шу кунларда шаҳидларни муносиб хотирлайлик, тирик қаҳрамонларни табаррук айлаб зиёрат қилайлик!

**Танлов ҳомийси «Совпластитал» қўшма корхонаси.**

# ЎРИКЗОРДА БИР МАКТАБ БОР

Янги лойиҳа асосида қурилган Ўрикзор даҳасидаги 312-мактаб биноси барча қулайликларга эга. Кенг ва ёруғ синф хоналари, спорт зали, турли кечалар ва анжуманлар ўтказиладиган зал, ошхона ўқувчилар хизматида. 1256 ўринга мўлжалланган бу мактабда ҳозирда 800 ўқувчи илм олаётир. Лойиҳага киритилган сузиш ҳавзаси келгусида фойдаланишга топширилади. Мактаб қошида фаолият кўрсатаётган Ёш техниклар маркази ёшларнинг касб ва ҳунар танлашларида ўз самарасини бермоқда. Бу янги ўқув даргоҳига ҳамда Ёш техниклар марказига Равшан Иброҳимов директор этиб тайинланган.

Акмал Икромов туманидаги турли мактаблардан жами 1600 ўқувчи дарсдан бўш вақтларида шу марказга ташриф буюрадилар. Бу ерда улар тикувчилик, тўқувчилик, ёғоч ўймакорлиги, рассомчилик ва наққошлик, қоғоздан ўйинчоқлар ясаш каби машғулотларни пухта ўзлаштирадилар. Адабиёт ва драма тўгаракларида ҳам ишлар қизғин олиб борилмоқда. Мактабда 2-синфдан инглиз тили ўқитиш йўлга қўйилган. Дарсдан ташқари факультатив курслар ҳам ишлаб турибди. Ўқувчиларга бу тилни чуқур ўзлаштиришларида инглиз тили муаллимаси Зулфия Ҳожимуротова яқиндан ёрдам бермоқда. Устоз мураббийлардан Боқижон Зуфаров, Тоҳир Оллоёров, Усмон Мансуровлар ёш муаллималарга йўл-йўриқ кўрсатиб, улар билан тажриба алмашмоқдалар. Бундан ташқари 5-9 синфларда йўл ҳаракати қоидаларини ўқитиш, одобнома дарслари ҳам жуда қизиқарли олиб борилмоқда.

Ноябрь ойининг охирларида А. Икромов тумани бўйича «Педагог-ташкилотчи-94» кўрик танлови ўтказилди. Унда ҳам 312-мактаб ўқитувчилари ҳаммага ўрнак бўлишиб, Боқижон Зуфаров (миллий ҳунармандчилик), Гўзал Иноғомова (тикувчилик) ва Мавлуда Йўлдошева (қоғоздан ўйинчоқлар ясаш) фахрий 1-2-3 ўринни эгаллашди.

Мактаб жамоаси 46 кишидан иборат. Шулардан 95 фоизи бу йил мактабда биринчи бор иш бошлаганлардан. «Мен ёшларга ишонаман. Келажагимиз ҳам мана шу ёшлар қўлида. Қолаверса мактабимиз яна 5-10 йилдан кейин нафақат туманда, балки шаҳримиздаги етакчи мактаблардан бирига айланади деб ишонаман» — дейди Равшан Иброҳимов. Биз ҳам унинг истаклари ижобат бўлишига тилакдошмиз.

Азиза СОЛИҲОВА.

*Дарахт бир жойда кўкаради*

# ТЕМИР ЙЎЛЧИЛАР СУЛОЛАСИ



Миркамол Жамолов ҳақида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компаниясининг Тошкент бўлимига қарашли катта-кичик бекатларга борганимизда темирйўлчилардан кўп илиқ гапларни эшитганмиз. Чунки у киши мана салкам 40 йилдан буён темирйўлда ишлаётган бўлса, шундан кейинги ўн йилида бўлим касаба уюшмасига раис, иш юзасидан бўлимда у бормаган бекат қолмаганидек, бу йиллар орасида дарду ўйларига у кишини шерик қилмаган, муаммолар ечимида ундан маслаҳат сўрамаган одам ҳам қолмаган, десак ҳам хато бўлмас.

Миркамол ака раҳбар сифатида ҳар бир муаммони жойида ечишнинг йўл-йўриғини излайди, бу борада йўл юришдан, бекатлар бўйлаб кезишдан эринмайди. Айниқса, ҳозирги иқтисодий ўзгаришлар даврида, бир оғиз илиқ сўз ҳар кимга катта мадад. Буни у ҳаммадан яхши тушунади, ҳис қилади. Иш жараёнида ҳамиша шунга таяниб фаолият юритади, тадбир қўллайди.

— Бўлим касаба уюшмамизга Тошкент Марказий йўловчи, Шумилов ва Ховостдан бошқа барча 63 та бекатлардаги касаба уюшмалари бириккан, — дейди у киши бу ҳақда гап борганда. — Кейин компаниянинг ёнилғи омбори, Ховостдаги тиклаш поезди, 4 та болалар боғчалари ҳам бизга қарайди. Жами 2500 касаба уюшма аъзоларимиз бор. Биз ҳамиша ҳамкасбларимизнинг манфаатларини ўйлаб иш юритамиз. Аввало уларни уй-жой билан таъминлашга алоҳида эътибор берамиз. Мисол учун шу йилнинг ўзида бўлим 15 темирйўлчи оиласи янги хонадон соҳиби бўлишди. Нафақахўрларимизни ҳамиша совға-саломлар, табрикномалар, мукофот пуллари билан бориб йўқлаб турамиз. Нафақаларга эса ишлаган пайтлардаги маошларининг 50, 60, 70 ва ҳатто 100 фоизигача қўшимчалар қўшиб берамиз. Буни жамоа шартномаларига ҳам киритиб қўйганмиз...

Хуллас, қариялар кунида 67 нафар ёлғиз нафақахўрларга бепул гуруч, шакар, ун, чойлар беришни ташкил этишда ҳам, бўлим бекатларининг қишга тайёргарлиги назоратида ҳам, кўпгина муаммо ва ташкилий масалаларни ечишда ҳам шахсан Миркамол аканинг ўзи бош-қош бўлмоқда. Бўлимдаги бу каби эзгу ишларни санайверсак, адоғи йўқ...

Гоҳида бирор одамнинг касби ҳақида гап кетса «У мактаб партасиданоқ шу касбни севарди, орзу қиларди...» деб бошлаб қўя қолинади. Аслида-чи? Миркамол аканинг темирйўлчи бўлишига эса бир тасодиф сабабчи бўлган экан.

— Очиғи, ёшликдан темир-терсакка жуда қизиқар эдим, — деб эслай кетди у кунларни. — 1951 йилда Тошкентдаги 89-мактабни битирдим. Бояги қизиқишим қизиқишу аммо ҳали темирйўлчи бўламан, деб ўйламагандим. Шунда уч синфдошим темир йўл транспорти муҳандислари тайёрлайдиган институтга кирамиз, деб қолишди. Менинг ҳам уларга қўшилгим келди. Механика факультетининг вагон хўжалиги бўлимига ҳужжат топширдик. Бахтни қаранг, ҳаммамиз кириб, 1957 йилда институтни битириб чиқдик.

Менга йўлланмани Қўқонга беришди. Олдинига вагон депосида бригадир, уста, катта уста бўлиб ишладим. Кейин бўлимга олишди, вагон хўжалиги бўлим бошлиғига муовин, сўнгра бошлиқ бўлиб ишладим.

Ота-оналарим қариб қолган, укаларим ёш эди. Шунинг учун 1967 йилда Тошкентга ишга ўтказишларини сўрадим. Рози бўлишди. Келиб шаҳримиздаги 2-вагон депосида катта уста бўлиб ишлай бошладим. 1972-76 йилларда эса депо бошлиғига ўринбосарлик қилдим. 1976-84 йилларда эса темирйўл Тошкент бўлимининг вагон хўжалигида ҳаракат хавфсизлиги бўйича тафтишчи, бош тафтишчи бўлиб ишладим. Икки йил кадрлар бўлимида хизмат қилдим. 1986 йилнинг 18 сентябрида бўлим касаба уюшмасининг ҳисобот анжуманида унинг раислигига сайландим. 1989 ва 1994 йилги сайловларда ҳам раисликка қайта сайлашди. Мана, ҳозир ҳам шу вазифада ишлаяпман...

«От ўрнини той босар», — халқимизнинг ушбу мақолида ҳикмат кўп. Миркамол Жамолов оиладаги олти ўғил ва бир қиз ичида ёлғиз ўзи темирйўлчилик касбини танлаган бўлса-да, ўзи оилада болаларга бу касбга ҳавас, иштиёқ ва меҳр уйғота олди. Унинг икки ўғил, икки қизи бўлиб, ўғиллари сира иккиланмай ота изидан бориб, темирйўлчиликдек шарафли касбни танлашди. Катта ўғли Мирсобит уч йил олдин Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтини битириб, ҳозирда «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акционерлик компаниясининг автомобиль хўжалигида бўлим бошлиғи. Кичик Мирмаҳмуд ҳам 1993 йилда ушбу институтни тугатган. Ҳозирда Ҳамза бекатида юк қабул қилувчи ва жўнатувчи бўлиб ишламоқда. Турмуш ўртоғи Муқаддам ая ҳам фуқаро иншоотлари қурилиши бўлимида хизмат қилади.

— Ҳатто келинларим ҳам темирйўлчи: каттаси Донохон Тошкент бўлими техник марказида, кичик Гуллола эса юк юклаш-тушириш бўлимида ишлайди. Қаранг, катта куёвим ҳам темирйўлчи! — деб фахрланиб қўйди бу ҳақда гап борганида Миркамол ака.

Дарвоқе, унутаёзибмиз. Миркамол Жамоловнинг темир йўл соҳасидаги жонкуярлиги, меҳнатсеварлиги, ташкилотчилиги инобатга олиниб, 1992 йилнинг 7 январида унга «Фахрий темирйўлчи» унвони берилган. Бу эса ҳар бир темирйўлчи орзу қиладиган фахрли мукофотдир. Қолаверса, бу тақдирлаш биз ҳикоя қилган қаҳрамонимизнинг эзгу ишлари, фидокорона меҳнатига муносиб жавобдир.

Адҳам ДАМИНОВ.

*Энг яхши тадбиркорлар*

# ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ

Илгари хабар қилинганидек, яқинда пойтахтнинг «Туркистон» саройида «Ташаббус - 94» танлови якунланди. Унда республикамизнинг энг яхши ишбилармонлари аниқланиб тақдирланди.Шуларнинг ичида шаҳримизда жойлашган «Виртех» Ўзбекистон - Россия - АҚШ қўшма корхонаси ҳам бор эди. Корхона танловда иккинчи ўринни эгаллаб, унинг бош директори Бахтиёр Обидов 50 минг сўм мукофот пули олишга муваффақ бўлди.

—Мазкур қўшма корхона 1993 йилнинг баҳорида ташкил этилган эди, - дея гап бошлади директор, техника фанлари номзоди Дониёр Йўлдошев. - Мақсад республикамизда жойлашган ташкилот ва муассасаларни компьютер маҳсулотлари билан таъминлаш эди. Чунки давлатимиз келажагини бусиз тасаввур қилиш қийин.

Ундан кейин биз компьютер ва бошқа идора техникаси воситаларини чет элдан тайёр ҳолида олиб келмаймиз. Балки уни бу ерда йиғиб, Ўзбекистон шароитига мослаб мижозга сотамиз. Керак бўлган тақдирда ташкилот ёки муассасаларга ўрнатиб дастурлаштиришни ҳам ўз бўйнимизга оламиз. Техника ва дастурга бир йилдан ортиқ кафолат берилади. Агарда биз сотган техника шу муддат ичида ишдан чиқса корхонамиз ходимлари томонидан у таъмирланади, ёки бўлмаса алмаштирилади. Ташкилот ва муассасаларда мутахассислар бўлмаган тақдирда уларни ўргатишда ҳам ёрдам берилади.

Асосий мижозларимиз «Авиабанк», «Ўзнефтегаз» корпорацияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва бошқалардир. Ҳозирги кунда уларни компьютерлар билан кераклигича таъминлаб турибмиз. Ўзбекистон республикаси солиқ қўмитаси ҳам асосий буюртмачиларимиздан ҳисобланади. Нимага деганда солиқ инспекцияси ходимларига уларнинг сермашаққат ишларида бу компьютерлар жуда асқотади.

Ўзингизга маълум, республикамизда жойлашган давлат,тижорат ва хусусий дўконлар касса аппаратлари билан кам таъминланган. Борлари ҳам ҳозирги замон талабларига жавоб бермайди. Бу эса ўз навбатида солиқ инспекцияси ва бошқа текширув органларининг ишини мукаммаллаштиради. Биз ана шуларни ҳисобга олган ҳолда уларни касса аппаратлари билан таъминлашни бошладик. Бу касса аппаратларини чет элдан олиб келиб, қисмларини ўзгартириб республикамиз шароитига мослаб беряпмиз.

Ҳозирги кунда мактабларимизни компьютерлаштириш жуда катта аҳамиятга эга. Чунки бугунги мактаб ўқувчиларининг компьютер саводхонлилиги эртанги кунда иқтисодиётимизни ривожлантиришга катта ҳисса қўшишига ишончим комил. Шуларни ҳисобга олган ҳолда корхонамиз Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан шартнома тузишга ҳаракат қилаяпти.

Энди яқин келажагимизга келсак,корхона Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Жиззах,Навоий ҳамда Тошкент вилоятларида ўзининг шохобчаларини очиш ниятида.Улар очилгандан кейин жойлардаги ташкилот ва муассасалар ҳам Япония,Сингапур,Малайзия,Таиланд каби Осиёдаги ривожланган мамлакатларнинг техникасидан баҳраманд бўладилар.

Ҳақиқатан ҳам «Виртех» қўшма корхонасининг компьютерлари шаҳримиз, қолаверса республикамизда кундан-кунга машҳур бўлиб бораётир. Буни юқоридаги мисолларда ҳам кўрсак бўлади. Корхона ташкилот ва муассасаларни нафақат компьютерлар билан таъминлаяпти, балки уларга мутахассисларни тайёрлаб беришда ҳам яқиндан ёрдам бермоқда. Корхона қошида ташкил қилинган компьютер саводлилиги ва чет тилини ўргатиш маркази фикримизнинг далилидир. Бу ерда ўқувчилар компьютер саводлилиги ва чет тилини қай даражада билишига қараб алоҳида гуруҳларга бўлиб ўқитилмоқда.

Ғулом ЮСУПОВ.



*«Ноннинг увоғи ҳам — нон» деб бежиз айтмайди ёши улуғ, нуроний онахонларимиз. Агар уйимизда бир бурда нон бўлмай қолса, қанчалар хижолатга тушиб қоламиз. Бу ҳеч кимга сир эмас. Шаҳримиздаги мавжуд нон ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат қилаётган кўплаб ишчи-хизматчилар ҳамюртларимизнинг ҳар куни, ҳар онда дастурхонимизда нон бўлиб туришини таъминлашмоқда. Айниқса, 5-нон корхонаси фидойилари бир сутка давомида 16,5 тонна сифатли ва мазали нонни ёпиб, харидорларга етказишади. Ушбу суратда ана шу корхонанинг илғор ишчиларидан Ҳомиджон Мамажонов, Суннатбек Султонов, Мухтор Раҳмонқуловлар янги пишиб чиққан буханка нонларнинг сифатини кўздан кечиришаётгани тасвирга олинган.*

*Козим Ўлмасов олган сурат.*

*Меҳнат жамоаларида*

# «ИЛ-114» ЮК ҲАМ ТАШИЙДИ

Тошкентлик авиасозлар Ил-114 самолётининг янги турини ишлаб чиқаришни режалаштирмоқдалар. Дарҳақиқат, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида Ил-76 транспорт самолёти ишлаб чиқариш билан бирга ўтган йилдан бошлаб маҳаллий йўналишларда учувчи 60 та йўловчига мўлжалланган Ил-114 самолётини йиғиш ҳам бошлаб юборилган эди. Вақти келиб бу замонавий тежамкор самолёт МДҲ давлатларида ЯК-40, АН-24 самолётлари ўрнини эгаллаши керак.

Ҳозирги самолётни корхона ҳар томонлама такомиллаштириб бораётган бир пайтда Ил-114нинг бош конструктори Н. Таликов Тошкентга келди. Авиация корхонаси маъмурияти билан кўриб чиқилган, ечимини кутаётган масалалар орасида Ил-114 самолётини юк ташувчи сифатида тайёрлаш ҳам жиддий муҳокама қилинди. Пировардида бу масала ижобий тарзда ҳал этилиб, юк самолёти ҳам тошкентлик самолётсозлар томонидан тайёрланадиган бўлди. Бу эса корхонада қўшимча иш ўрни яратиши, соф фойда келтириши ўз-ўзидан маълум.

Бор-йўғи беш тонна юк оладиган транспорт самолёти (Ил-114 худди шунча юк олиши мумкин) келгусида ўзини оқлай олар эканми, деган саволга дадил ижобий жавоб бериш мумкин. Чунончи, Ил-114 самолёти Тошкентдан Москвагача (масофа 3000 километрдан ортиқ) ҳаммаси бўлиб 4 тонна керосин сарф қилган ҳолда учиб борди. Ёқилғи сарфи тежамлилигидан ташқари самолётда ўта шовқинсиз қўзғатгичлар ўрнатилган. Демак, Ил-114 жаҳоннинг ҳар қандай мамлакатига учиб бора олади. Алқисса, бозор иқтисодиёти даврида бундай кичик ҳажмли, тежамли юк ташувчи самолёт фойдаланувчиларга ҳаводек зарур.

Илҳом ЭШМАТОВ.

*Касаба уюшмаси фаолиятидан*

# «ЭЛЬБРУС» — СОҒЛОМ АВЛОД МАСКАНИ

Тошкент «Алгоритм» ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба уюшмаси бир неча йилдан бери ўз фаолиятида муваффақиятли кўрсаткичларга эришиб келмоқда. Корхона ишчи-хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилиш, уларга турли имтиёзлар яратиш, моддий кўмак бериш ҳамда маданий ҳордиқ чиқаришлари учун етарли шарт-шароитлар яратиш бирлашма касаба уюшмаси қўмитасининг энг муҳим вазифасига айланган. Касаба уюшмаси тасарруфидаги «Эльбрус» болалар соғломлаштириш оромгоҳида амалга оширилаётган ишлар ҳам бунга ёрқин мисол бўла олади.

Шуни айтиш керакки, мазкур оромгоҳ бугунги кунда Ўзбекистон миқёсида болаларнинг энг йирик соғломлаштириш ва дам олиш маскани ҳисобланади. Ҳатто уни Ўзбекистоннинг «Артек»и ҳам дейишади. 14 гектар майдонни эгаллаган бу масканда барча қулай шароитлар яратилган. Айниқса, спорт турлари бўйича машғулотлар ўтказишга ажратилган майдонлар кўп. Футбол, волейбол, баскетбол майдонлари, гимнастика билан шуғулланиш учун катта спорт зали, 2 та сув ҳавзаси ва бошқа имкониятлар бор. Булардан ташқари оромгоҳ Чимёнда жойлашгани учун қишда ҳам бўш турмайди. Корхонадан ташриф буюрган дам олувчилар қишда ҳам чанғи, чана ва спортнинг бошқа турлари билан машғул бўладилар. Кўп тармоқли шифохонадаги тиш даволовчи, болалар шифокори, игна билан дард аритувчи мутахассисларнинг қўли қўлига тегмайди. Шифохона чет элнинг энг замонавий тиббиёт жиҳозлари билан таъминланган. Бу ерда асосан ишчи-хизматчиларнинг фарзандлари дам олса, улардан бўш вақтда ота-оналари ҳам ҳордиқ чиқарадилар. Дам олувчилар учун 2 та 200 ўринли ёзги ҳамда 400 ўринли қишки клуб, йирик кутубхона, видеосалон, турли тўгараклар ҳам мавжуд. Дарвоқе, касаба уюшма қўмитаси бундай кенг кўламдаги ишларга қаердан маблағ топаяпти?

Эътиборга лойиқ томони шундаки, албатта тадбиркорлик билан! Оромгоҳда дам олишни истовчи талабгорлар кўп. Ўз корхоналаридан ташқари «Совпластитал», «Реле Автоматика», «Радиоэлектроаппаратура» ва бошқа йирик корхоналар ишчи-хизматчилари «Эльбрус»да дам олишга ўрганиб қолишган. «Алгоритм» корхонаси касаба уюшмаси қўмитасининг топаётган маблағлари йўлланмалардан.

— Йўлкира, озиқ-овқат ва бошқа ҳаражатлар дегандай даромадимизнинг ҳаммаси ҳисоб-китобли, — дейди бирлашма касаба уюшмаси раиси Йўлчибой Раҳимжонов. — Фойда ҳисобидан корхонамиз ишчи-хизматчиларининг фарзандларига бериладиган йўлланмаларни арзонлаштирдик. Шаҳардаги 23-болалар уйи тарбияланувчилари, 217- ва 280-мактаб ўқувчилари ҳамда Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби қатнашчиларини оталиққа олганмиз. 1994 йилнинг ёз мавсумида болаларнинг биринчи спартакиадасини ўтказдик. Унда бирлашмамизнинг «Эльбрус», «Ўзэлектроаппарат» заводининг «Радость», «Тошқишлоқмаш»нинг «Шарқ юлдузи» гуруҳлари турли спорт мусобақалари бўйича ўзаро куч синашишди. Бундан буён мактаб ўқувчиларининг ҳар бир таътилларини шу ерда ўтказишга эришяпмиз. Ушбу янги йил болаларнинг қишки таътилларида ҳам кўплаб спорт мусобақалари, «Ўзбек тили», «Инглиз тили» бўйича кўрик-танловлар ўтказдик. Оталиғимиздаги «Аловуддин» болалар вокал-чолғу дастаси эса ҳар куни концерт бериб, тадбирларга файз бағишлашди. Болалар бу йил тоғда чанғи, чана учишди, хоккей ўйнашди. Хуллас, 504 бола дам олди. Қорбобонинг совринларига сазовор бўлишди.

Дарҳақиқат, болалар соғломлаштириш оромгоҳи ўтган йилнинг ноябрь ойида шаҳар бўйича энг яхши соғломлаштириш маскани, деб топилиб Тошкент шаҳар касаба уюшмаси Кенгаши томонидан 3 минг сўм ва «Нодира» телевизори билан мукофотланди.

«Алгоритм» бирлашмаси маъмурияти бу йил касаба уюшма ҳисоботини тинглаб, унинг фаолиятини яхши баҳолаган. Хуллас корхона касаба уюшмаси қўмитаси томонидан амалга оширилаётган ишлардан ўрнак олса арзийди. Айниқса, болаларни соғломлаштириш, спортга ошно этиш борасидаги фаолият соғлом авлодни камол топтиришда муҳим заминдир.

Юсуф АБДУЛЛАЕВ.

